

**КЛАСТЕР ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАСВИРИЙ САНЪАТ  
ТЎГАРАКЛАРНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ СОҲАСИДАГИ АҲАМИЯТИ****Бердиев Достон Абдувоитович***Чирчиқ давлат педагогика университети**“Тасвирий санъат ва амалий безак”**йўналиши 2-курс магистранти.*

**Аннотация:** Мақолада талабалар ва ўқувчилар биргаликда ижодий фаолият билан шуғулланишлари, келгусида уларнинг илмий-ижодий тадқиқот ишлари билан шуғулланишлари учун тўғаракларнинг аҳамияти кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** педагогика, кластер ёндашуви, тасвирий санъат, устоз-шогирд, ижодий муҳит, ижодкорлик, тўғарак, инновацион педагогик технологиялар, мустақил таълим.

Турли вазиятларда замонавий ёшлар учун мақсадни тўғри қўйиш, унинг энг маъқул ечимини топиш, мустақил қарорлар қабул қила олиш кўникмаларига эга бўлиш каби талаблар қўйилмоқда. Шунинг учун таълим тизимида ҳар бир ёшдаги тарбияланувчилар, ўқувчилар ва талабаларнинг шахсий фаоллигини тарбиялаш ва ижодкорлик сифатларини ривожлантириш, дарсдан ташқари фаолиятини мазмунли ташкиллаштириш муҳим вазифа бўлиб турибди. Таълимни модернизациялаш йўналишининг замонавий босқичида рўй бераётган инновацион жараён билан ҳамоҳанг равишда ўсиб келаётган авлоддаги ижодий имкониятларини ривожлантириш жуда долзарб масала ҳисобланади. Уларнинг таълим-тарбиясига мўлжалланган назарияни ва амалиётда қўллашга оид ҳар хил таълим ғоялари ва технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда унинг самарадорлигини оширишни талаб қилади. Ёшлардаги қобилиятларни қандай уйғотиш ва қандай ривожлантириш керак деган саволнинг ечимини топиш эса таълим тизимидаги асосий мақсад ҳисобланади. Бунинг учун аввало шахснинг қизиқиши, ижодий мойилликларини аниқлаш, кейин уларнинг қобилиятларини ривожлантириш учун муҳит яратишга катта эътибор бериш зарур. Бу муҳитни яратишга эса турли хил ижодий тўғарак машғулотларини ташкил этиш орқали эришиш мумкин. Ижодий жараён ижтимоий аҳамиятга ва инновацияга эга бўлган янги моддий ёки маънавий қийматга эга бўлган янгиликнинг яратилиши билан белгиланади. Инсоннинг ижодий фаолияти натижасида шу пайтгача мавжуд бўлмаган қандайдир янги нарса юзага келади. Ижодий жараён собитқадамлик, қатъият ва ғайрат билан меҳнат қилиш демакдир. У ижодкордан тафаккури, иродаси ва ҳиссиётининг кучлилиги, ижодий қобилият сифатлари ва фаоллик, меҳнатсеварлик каби фазилатларни талаб қилади. Бу жараён кишидан узоқ тайёргарлик, чуқур ақл заковат ва маънавий қобилиятлар талаб қиладиган шахс фаолиятининг олий шакли

сифатида таърифланади. Ижод барча моддий ва маънавий неъматлар ўчоғи, инсон ҳаётининг асоси ҳисобланади.

Давр талабига мос ечимни топиш мақсадида Чирчиқ давлат педагогика университети “Тасвирий санъат ва дизайн” кафедрасида ҳам бир қанча тўғараклар фаолияти йўлга қўйилганлигини айтиб ўтиш мумкин. Бу тўғаракларни ташкиллаштиришдан асосий мақсад ўқитувчидек шарафли касбга мақсадли тайёрлаш ишларини йўлга қўйишдан иборат. Бундан ташқари жамиятда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг ўзгарувчанлигини инобатга олган ҳолда, имкон қадар кўпроқ талабаларни қамраб олиш кўзда тутилади. Талабалар билан биргаликда мактаб ўқувчиларни ҳам илмий, ижодий ва касбий тўғаракларга жалб этилиб, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтиши ҳамда қўшимча касб-хунар ўрганиш имкониятлари яратилмоқда. Университетнинг энг асосий стратегик йўналишига монанд кафедрамизнинг тасвирий санъатда педагогик таълим инновацион кластерини амалиётга татбиқ этиб келинмоқда. Шу мақсадда кафедра профессор-ўқитувчилари ва мактаб фан ўқитувчилари ОТМ ва ХТ ўртасида манфаатли алоқадорликнинг янги кўринишларини ишлаб чиқиш вазифасини амалга оширишга жалб этилган. Мана шу вазифанинг ечимини топишда илмий-ижодий ҳамкорликдаги тўғаракларни ташкиллаштиришнинг ҳам аҳамияти катта. Бу фаолият натижасида институт ва мактаб ўқитувчиларининг ўз мақсадларига эришиш йўлида бир-бирига ёрдам бериш имконияти ҳам туғилади. Буни қуйидагиларда кузатиш мумкин:

- педагогика соҳасида самарали ворисийликни таъминлаш, энг яхши ўқувчиларни педагог касбига тарғиб қилиш, таълим, фан ва педагогик амалиётнинг турли шакл ва турларини излаб топиш ҳамда таълимга татбиқ этиш;

- таълим ва тарбия узвийлигини таъминловчи механизмларни такомиллаштириш;

- педагог кадрларни тайёрлашда мактабгача, ўрта таълим ва ОТМ ҳамда бошқа талабгорлар билан ўзаро тезкор кайта боғланиш имкониятини яратиш.

Жумладан:

Узлуксиз таълим тизимидаги бундай ҳамкорлик орқали педагогика соҳасида “Устоз-шогирд” анъаналарига асосланган самарали ворисийликни таъминлашга эришилади. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга қаратилган тадбирлар, ўзаро тезкор маълумот алмашиш натижасида умумтаълим мактабларидаги иқтидорли ўқувчилар аниқланади ҳамда педагогик касбига тарғиб қилинади. Кластер ёндашувига бўйича умумий фаолият таълим, фан ва педагогик амалиётнинг турли шакл ва турларини излаб топиш ҳамда таълимга татбиқ этишга ёрдам беради. Кафедрада фаолият олиб бораётган тўғаракларга бошқа йўналишда ўқиётган талабалар ҳамда мактаб ўқувчиларини ҳам жалб этилади. Тўғараклардаги ижодий фаолият орқали ўқувчиларнинг ҳам турли танловлар, олимпиадаларда муваффақиятли иштироки таъминланади.

Таълим ва тарбия узвийлигини таъминловчи механизмларни такомиллаштириш учун куйидаги вазифаларни амалга ошириш керак бўлади:

- ёшларнинг рассомлик ва тасвирий санъат соҳасидаги истеъдодларини рўёбга чиқариш мақсадида институт ва мактабларда ижодий тўғараклар фаолиятини кенгайтириш;

- “устоз-шогирд” тизимида иш олиб бораётган касбий тўғараклар аъзоларининг ижодий ишларидан кўрғазмалар ташкил этиш;

- кўрғазмалар, ҳар хил ижодий танловлар уюштириш. Олимпиадаларга қатнашиш учун барча шарт-шароитлар яратиш;

Кластер ҳамкорлиги натижасида мактаб тасвирий санъат ўқитувчилари ва ОТМ профессор-ўқитувчилари, талабалар билан ўқувчилар ўртасида яқиндан алоқа ўрнатилади. Биргаликда услубий семинарлар ўтказиш, амалиётларни тўғри ташкил этиш ва методик ёрдам бериш имконияти кенгайтирилади. Тасвирий санъат, амалий санъат, миллий ҳунармандчилик, лойиҳалаш бўйича талаба ва ўқувчиларнинг истеъдодлилари танлаб олинади, уларни иқтидори бўйича касбларга йўналтирилади. Ижодий кўрғазмалар, олимпиада ва танловларда қатнашиб ижобий натижаларга эришилади.

Ҳозирда талабалар ва ўқувчилар биргаликда ижодий фаолият билан шуғулланишлари, келгусида уларнинг илмий-ижодий тадқиқот ишлари билан шуғулланишлари учун имконият яратиб берилган. Лойиҳа гуруҳи аъзолари сифатида кластер бўйича ҳамкорликда иқтидорли талабаларимиз ҳам педагогларимизга ижодий жараён ва илмий-тадқиқот ишлари ҳамда “мактаб-лаборатория” фаолиятини йўлга қўйишда яқиндан ёрдам бериб келишмоқда. Талабаларнинг болалар учун китобларга расм ишлаш, уни безатишга йўналтириш, бу китоблардан боғча ва мактабларда фойдаланишни йўлга қўйиш, кластер бўйича ҳамкорлик шартномалари тузилган мактабларда талабалар ва ўқувчиларни китобга қизиқтириш мақсадида “Китобхонлик” танловини ўтказиш режалаштирилган. Бу жараён бизда бир неча мартаба амалга оширилди. Тўғарак машғулотларида китоб графикасидан ҳар хил ёшдаги болалар учун китобларга расмлар чизилиб, тайёр китоблар мактабга олиб борилиб “Китобхонлик” тадбири ўтказиб келинмоқда. Танловлар охирида фаол ўқувчиларга китоблар тарқатилади. Ва бу орқали ёшларни китобхонликка қизиқтириш йўллариини излаб топиш вазифасини уддаладик деб бемалол айта оламиз. Натижада: Талабалар расм ишлаш учун керакли адабиётларни ўқишади, мактаб ўқувчилари эса расмларга қизиқиб китоб ўқишга қизиқишлари ортаётгани, митти болажонларнинг китобни олганларида ҳаяжон билан китоб варақлаганларининг, талабаларимизнинг эса бундан руҳланиб болалар учун қизиқарли янги болалар китобларини ахтариб қолганлигининг гувоҳи бўлаяпмиз.

Тасвирий санъат кафедрасидаги фаолият юритадиган тўғаракларнинг асосий вазифаси ёшларнинг дарсдан ташқари вақтларини тўғри ташкил қилиш, уларни касбий фанларни ўрганишга қизиқтириш ва ижодий фаолият элементларини

ўргатишдан иборат. Бу тўғаракларда йўналишимиз талабаларидан ташқари бошқа йўналиш талабалари, мактаб ўқувчилари ҳамда маҳаллий уюшмаган ёшлар ва кексалар ҳам қатнашишади. Ҳозирда “Тасвирий санъат ва дизайн” кафедрасида 1 та илмий тўғарак ва 9 та ижодий тўғаракларни бирлаштириб турадиган “Талабалар ижодиёти” клуби фаолияти йўлга қўйилган.

Умумтаълим мактаблари ва бошқа муассасаларда илмий тадқиқот олиб бориш лаёқатига эга ўқитувчиларни аниқлаш ва илмий-тадқиқот ишларига жалб қилишда ҳам тўғаракларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Талабаларда аудиторияда олган билимларини амалиётда қўллай олиш, педагоглик касбига тайёрлаш, “Устоз - шогирдга, шогирд - шогирдга устоз” тамойили остида мураббийлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида: Кафедрада мустақил таълим доирасида талабаларга ўз тўғаракларини очиш имконияти яратилган ва уларни устозлик касбини эгаллашга йўналтирилмоқда. Натижада: ўқишни битириб мактабга боргунга қадар талабаларда ўқувчилар билан ишлаш, уларни фанга, ижодкорликка қизиқтира олиш малакалари шаклланиб боради.

Шунинг учун кафедра ўқитувчилари томонидан олиб борилаётган тўғаракларга талабалар ёрдамчи сифатида таклиф этилган. Яна кафедрада “тўғарак ичида тўғарак” яъни мини тўғараклар фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Бу тўғаракларни ташкиллаштиришдан мақсад, кечки таълим, махсус сиртқи ва сиртқи таълим йўналиши талабалари орасида ҳам асосий тўғаракларга қатнашишни истаган талабалар сони қисқа даврда жуда ошиб кетди. Бунинг устига битта тўғаракка қатнашган талаба иккинчи йўналишдаги тўғаракларда ҳам қатнашиш ҳоҳишини билдиришди. Тўғаракларни ташкил этишда асосан ёшларнинг қизиқишлари ва бўш вақти ҳисобга олинади. Биламизки, ҳамманинг ҳам бир вақтда бўш вақти бўлмаслиги аниқ. Талабаларнинг ўзлари томонидан бу ноқулайликларни бартараф этишнинг ечими ўйлаб топилди. Педагогнинг тўғаракларни олиб бориш учун вақтларининг чекланганлиги сабабли, ёрдамчи сифатида талабалар тўғарак машғулотларига жалб этилди. Бу фаолият улар томонидан аъло даражада бажарилиб, натижада улар мустақил равишда тўғарак машғулотларини олиб бориш истагини билдиришди. Шундан мини тўғараклар фаолияти бошланди. Аввал иккита шундай мини тўғараклар фаолият бошлаган бўлса, ҳозирда талабалар томонидан бошқариладиган бундай тўғараклар сони 7 тага етди. Энди бу тўғаракларни бир тизимга тушириш зарурияти пайдо бўлди. Фаолият юритаётган асосий илмий-ижодий тўғараклар ва ёрдамчи мини тўғараклар фаолияти мувофиқлаштирилди. Шундай қилиб ҳар хил ижодий тўғаракларда ижодий жараёни тасвирий санъат таълим тизимидаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш, эндигина педагоглик фаолиятларини бошлаган мактаб ўқитувчиларига яқиндан ёрдам беришга йўналтирилди. Натижа эса кутилгандан ҳам аъло бўлди десак бўлади. Бир ойлик ўқишга келган махсус сиртқи, сиртқи ва кечки таълим йўналиши талабалари ҳам ушбу жараёнга жалб этилди. Уларнинг таклифлари асосида ижодий жараён тадбиркорликка йўналтирилиб,

мактабгача таълим, бошланғич таълим, юқори синфлар учун зарур бўлган кўргазмалар курулган тайёрлаш ишлари йўлга қўйилди. Бу тўғаракларда ўқувчилар сонининг кўпайиб бораётганлиги билан кафедрадаги ижодий ва илмий муҳит ҳамда олий таълим-мактаб алоқалари янада яхшиланишига эришилмоқда. Ҳозирда талабалар ва ўқувчилар биргаликда ижодий фаолият билан шуғулланишлари, келгусида уларнинг илмий-ижодий тадқиқот ишлари билан шуғулланишлари учун имкониятларини кенгайтиради.

### ХУЛОСА

Кластер ҳамкорлигида тўғри ташкил этилган тўғаракларнинг педагогика соҳасида самарали ворисийликни таъминлаш, ўқувчиларни ушбу касбга қизиқтириш, таълим, фан ва педагогик амалиётнинг турли шакл ва турларини излаб топиш ҳамда таълимга татбиқ этишда аҳамияти катта.

Мана шундай ёндашув ҳамда тўғараклар фаолияти орқали таълим ва тарбия узвийлигини таъминловчи механизмларни такомиллаштириш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Замонавий кластер ҳамкорлиги натижасида ёшларда ижодий ва илмий салоҳият ошиб, касбий кўникмалар шаклланади. Ўзаро тезкор кайта боғланиш имкониятини янада кенгайтиради.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Султанов, Х. Э., Марасулова, И. М. Ижодий тўғараклар орқали ўқувчи-ёшларнинг маънавий тарбиясини шакллантириш // *The journal of academic research in educational sciences. volume 1, ISSUE 2 october 2020. Page 391-398.*

2. Султанов Х. Э., Анкабаев Р. Т., Муратов Х. Х. Формирование духовного образования студентов и молодежи при помощи творческой деятельности (в партнерстве) Музыкальное и художественное образование: опыт, традиции, инновации Сборник научных статей Выпуск II Чебоксары 2020. Стр. 107-113.

3. Султанов Х.Э. Таълим муассасалари ҳамкорлигининг кластерли моделини ташкил этиш // «Муғаллим ҳам ўзликсиз билимлендириў» № 3-2 Нөкис — 2021. 73-76 б.

4. Султанов Х.Э., Турсунбоева М.О. “Талабалар ижодиёти” клуби фаолиятининг таълим кластери ҳамкорлигидаги аҳамияти // *Pedagogik ta’lim klasteri: muammo va yechimlar Pedagogical Education Cluster: Problems and Solutions Кластер педагогического образования: проблемы и решения Chirchik, Uzbekistan International Conference. 258-260 б.*

5. Султанов Х.Э., Махмудов М.Ж. Ўқувчиларни тасвирий санъат фанига қизиқтиришдаги ўқитувчининг маъсулияти // «Муғаллим ҳам ўзликсиз билимлендириў» № 3-2 Нөкис — 2021. 42-46 б.

6. KE Sultanov Cluster Approach in Fine Art Education as a Factor for Improving the Educational System /International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding// Volume 9, Issue 2 February, 2022 Pages: 585-593 2022;

7. Doston Abduvoitovich Berdiyev/ Maktablarda tasviriy san'at fanini o'qitishda kelajak ta'limi steam interaktiv ta'limini rivojlantirish / "Science and Education" Scientific Journal/ ISSN 2181-0842 February 2022// Volume 3 Issue 2 Pages: 687-690;

8. Тасвирий санъатда кластер ёндашуви сифатида стеам таълимини татбиқ этиш/ Бердиев Достон Абдувоитович, Султанов Хайтбой Эралиевич/ Интернаука 7 (15), 13-14;

9. Laylo Mirsoatova/ Use of innovative methods in the development of students' creative abilities / Current research journal of pedagogics (ISSN –2767-3278) volume 03 issue 01 Pages: 45-49;

10. Султанов Х.Э. Тасвирий санъатнинг ўқувчилар интеллектуал-ижодий салоҳиятига таъсири // ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ 2022, № 9. -50-57 б. .

11. Султанов Х.Э. Тасвирий санъат таълимида кластер ёндашуви таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш омили /Ilmiy tadqiqotlar, innovatsiyalar, nazariy va amaliy strategiyalar tadqiqi № 4-sonli respublikasi ko'p tarmoqli, ilmiy konferensiya// 22-dekabr 2022-yil 236-242 б.

12. Султанов Х.Э., Бойназарова Н.Х., Бердиев Д.А., Мирсоатова Л.Ў., Маматкаримова М.Т. Кластер ҳамкорлигида иждодий фаолиятни ташкил этишнинг ўқувчилар маънавий-ахлоқий тарбиясидаги аҳамияти //“Yangi o'zbekistonda pedagogik ta'lim innovatsion klasterini rivojlantirish istiqbollari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari /may 1-qism CHIRCHIQ – 2022. 613-620 б.

13. Ankabaev Rahim Turg'unovich // To'garak mashg'ulotlarida talabalar egallashi lozim bo'lgan pedagogik texnologiyalar, bilim, ko'nikma va malakalar shakllantirish// “ Zamonaviy muhandislik kommunikatsiya tizimlari va avtomobil yo'llari infratuzilmasidagi dolzarb muammolar” mavzusidagi Respublika miqyosidagi ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plami/ II tom Namangan 18-19 noyabr 2022 yil

14. Марасулова И.М. Амалий безак санъатининг ўзига хос хусусиятлари. Витраж мисолида/ “JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH” VOLUME 2, ISSUE 13 (26- December) 2022

15. Imomatova Umida, Nutfullayev Muxtor/ Tasviriy san'at darslarida yoshlarga o'zbek milliy tasviriy san'atni o'qitishning psixologik asoslari/ Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities, 2(2), 204-207. 2023